# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «12» 5 2022-38-5-72-ОВ-сон Қизилтепа ш.

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган **Қизилтепа туман "Ободонлаштириш" бошкармаси** номидан устав асосида иш кўрувчи (устав, низом, ишончнома) **Б.С.Жумаев** бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган **"KRISTAL-ELEGANT-INVEST"МЧЖ** номидан Устав асосида иш кўрувчи **Ж.Саъдуллаев** иккинчи томондан **Қизилтепа туман "Хўжа кўргон" МФЙда яшовчи Камолов Ғаффор хонадонини таъмирлаш ишларини бажариш** бўйича куйидаги шартномани туздилар.

## I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган курилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тугрисидаги далолатномалар хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдикланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**Курилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиє белгиланадиган бошєа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вактинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган кар кандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиєиш** - ишларнинг хар бир боскичи ва/ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига **Қизилтепа туман "Хўжа кўргон" МФЙда яшовчи Камолов Ғаффор хонадонини таъмирлаш ишларини бажариш** лойихасида кўзда тутилган холда куриш бўйича курилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аникланган ва тендер комиссиясининг карори (2022 йил "30"апрелдаги баённома) билан тасдикланган ишлар киймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда жорий нархларда **24719654 ( Йигирма турт миллион етти юз ўн тўккиз минг олти юз эллик турт) сўмни** ташкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

курилиш кийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;

ишлар хажми ва тури катъий равишда ўзгартирилмайди( конунда кузда тутилган холлар бундан мустасно);

объектнинг курилиши бир йилдан ортикча ўзгартирилганда.

5.Курилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада хамда унга __- иловага мувофиє ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиє топшириш;

__- иловага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўгрисида хабардор вилиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вавтида атроф мухитни, ўтвазилган дарахтларни ва ер участкасини мухофаза вилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироглари ўрнатиш;

курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;

курилиш майдони қўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши іамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1- иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-сурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул силинган мажбуриятлар ва бошса функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиєиш ва карор кабул килиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига ___-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини такдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома: миллий валюта "сўмда" ўзаро хисоб-китоб килинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган холда миллий валютада "сўмда" ўзаро хисоб-китоб килинганда - шартнома конун ҳужжатларига мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан _30_ кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 фоизи микдорида аванс ўтказади, бу **7 415 896**сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов " Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукукини ўзида саклаб колади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йўк килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган таєдирда, Пудратчи бу хакда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хак тўлашдан озод килинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиєлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

21. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўгрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўгрисидаги хужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўгри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўкларининг мувофиклиги тўгри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саєлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига караб уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитекткурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиксиз бажарилган бўлса ёки у бу хакда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чикариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмаслиги билан боглик тўхтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тўгрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини муҳокама киладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

## X. КАФОЛАТЛАР

34. Пудратчи:барча ишлар тўлик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиклигини;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

35. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган такдирда, уларни текшириб чикиш "Давархитекткурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ

36. Буюртмачи: шартнома кучга киргандан кейин єурилишнинг бошланиши Буюртмачига бојлиє бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

37. Пудратчи: ишларнинг бажарилиши Пудратчига боглик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тўхтатиб кўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

38. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор єилинган таєдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган таєдирда айбдор томон: иккинчи томонга етказилган зарарларни коплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз ваєтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг _0,1__фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг _50__фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

44. Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиєлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиєлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг _0,1__фоизи микдорида жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг _0,1__фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг _50__фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуксонлар ва качиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг _0,1__ фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг _50_ фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни єоплашдан озод килмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса, у холда Буюртмачи "Даврхитекткурилишназорат" инспекциясининг хулосаси асосида объектни кабул килиш ва унинг учун хак тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг _0,1__фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўкотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

## XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чикилади.

## XIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва огзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

51. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонл уларни имзолашган бўлса, хакикий хисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайд бўлишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзм равишда тасдиклаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкн колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тўлашн кечиктиришга хаклидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормала кўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

57. Шартнома имзоланиб, Ғазначиликдан руйхатдан утгандан сунг конуний кучга киради ва амал килиш мудда **“31“декабр 2022 йилгача** хисобланади.

## XVI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

58.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги “Шартномавий муносабатларни тубд такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ: - ҳар бир томо шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб бориди бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегиш Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахслар ("Иштирокчи Томонлар") моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаг ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди шунга мажбур.

## XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

**ПУДРАТЧИ**

**“KRISTAL-ELEGANT-INVEST”МЧЖ**

Юридик манзилгох Қизилтепа туман
Ўзбекистон МФЙ
ТЕЛ +99891 337 00 46
ФАКС: +99891 337 00 46
Х\р 20208000505069885001

Банк номи Миллий банк Навоий филлиали
Банк коди(МФО) 00196
ИНН 306371033
ХХТУТ ____________________
КТУТ____________________

Рахбар ____________ **Ж.Саъдуллаев**
(Ф.И.О.)

**БУЮРТМАЧИ**

**Қизилтепа туман Ободонлаштири бошқармаси__**

Юридик манзилгох Қизилтепа туман
Шодлик кўчаси 45 уй
ТЕЛ: +99879 555 36 78
ФАКС: +99879 555 36 78
ШХ/Р 400122В 601221670652001100003

Ташкилот СТИР 204584484
ХХТУТ 90210
КТУТ____________________
Ғазначилик булими: Кизилтепа тумани буйича Газначилик булинмаси
Ғазначилик х/р: 23402000300100001010
Банк номи Тошкент ш. Марказий банк ХККМ
Банк коди(МФО) 00014
Ғазначилик СТИРи: 201122919
Рахбар____________ Б.С.Жумаев
(Ф.И.О.)

# ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

1. Лойиҳанинг тури
   **Шартнома**

2. Лойиҳанинг номи
   **Қизилтепа туман ободонлаштириш бошқармаси ҳамда "KRISTAL-ELEGANT-INVEST" МЧЖ ўртасида тузилган пудрат шартномаси**

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот
   **Қизилтепа туман ободонлаштириш бошқармаси. 10.05.2022 й.**

4. Масъул ижрочи

Қизилтепа туман юридик хизмат кўрсатиш марказига 2022 йилнинг 10 май куни «**E-Huquqshunos**» электрон тизими орқали Қизилтепа туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан Қизилтепа туман "Хўжақўрғон" МФЙда яшовчи Камолов Ғаффор хонадонини таъмирлаш ишларини бажариш мақсадида тузилаётган пудрат шартномаси лойиҳаси экспертизадан ўтказиш ва хулоса беришлик учун келиб тушган. Шартномани ўрганиш давомида қуйидагилар аниқланди:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўра, пудратчи ва буюртмачи ўртасида пудрат шартномаси тузиш ва унинг тартиби келтирилган. **Фуқаролик кодексининг 631-моддаси**да пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг 32-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ҳуқуқий экспертизадан

ўтказиш натижаларига кўра:

**ХУЛОСА ҚИЛАМАН:**

Қизилтепа туман ободонлаштириш бошқармаси ва **“KRISTAL-ELEGANT-INVEST” МЧЖ** ўртасида тузилган пудрат шартномаси лойиҳаси **Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 37-боби, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни** ҳамда **“Давлат харидлари тўғрисида”**ги Қонуни талабларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилганлиги сабабли амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ деб топилсин.

**Бош юрисконсульт** **Ж. Жабборов**
12.05.2022

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**12.05.2022 даги**

**KRISTAL-ELEGANT-INVEST МЧЖ ва Қизилтепа Ободонлаштириш бошкармаси ўртасида 24719654,00 сўм умумий суммага тузилган 2022-38-5-72 -ОВ - сонли шартномага**

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 110

Шахсий ғазна хисобварақ 400122860122167065200110003

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4232100 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | 24 719 654,00 | | | 24 719 654,00 |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **24 719 654,00** | | | **24 719 654,00** |

Жами 24719654,00 сўм

Йигирма тўрт миллион етти юз ўн тўккиз минг олти юз эллик тўрт сўм 00 тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 7415896,20 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан ______ % ***20___ ______________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг ______ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи рахбари ______ (имзо) Жумаев Ботир Саидович
Ф.И.Ш.

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери ______ (имзо) Бозоров Ҳусниддин Ҳакимович
Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ______________ (имзо)

Буюртмачи ходими қабул қилди ______________ (имзо)

«___» _______________ 20___й.

«___» _______________ 20___й.

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 70819 на приобретение Турар жой биносини жорий тамирлаш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 30.04.2022

Время рассмотрения 30.04.2022 14:07

Конкурсная комиссия Кизилтепа туман Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш булими, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | JUMAYEV BOTIR SAIDOVICH | Бошлик | Қизтепа туман Ободонлтириш бошкармаси |
| **Секретарь комиссии** | BOZOROV XUSNIDDIN XAKIMOVICH | Бош хисобчи | Қизилтепа туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | NIZAMOV FARXOD SANOYEVICH | Теника хафсизлиги мухандиси | Қизилтепа туман Ободдонлаштириш боошкармаси |
| **Член комиссии** | SODIQOV SHAVKAT VALIYEVICH | Кадирлар булими бошлиги | Қизилтепа туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | ABDULLAYEV ABDULAZIZ SHAVKAT O'G'LI | Котиб | Қизилтепа туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | ISMATOV OYBEK NE'MATOVICH | Бош мухандис | Қизилтепа туман Ободонлаштириш бошкармаси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 30.04.2022 года № лота 70819.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 56

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту зданий** |
|---|---|
| Подробное описание | kod 4232100 Xujaqurgon MFY xududiga yashovch Kamolov Gafforning uyni joriy tamirlash |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 24 843 865.00 |
| Стартовая сумма | 24 843 865.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Бахтсиз ходисалар бўлган вазиятларда ишчи ходимларнинг ҳаёти суғурталанганлиги тўғрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Бахтсиз ходисалар бўлган вазиятларда ишчи ходимларнинг ҳаёти суғурталанганлиги тўғрисида

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО EKSPORT TENGER SERVIS** | 25 | 25 | 15 | Экспертная | | |
| **KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ** | 25 | 20 | 23 | Экспертная | | |

Критерий №2 684-қонун 13-моддага риоя этилиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: 684-қонун 13-моддага риоя этилиши шарт

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО EKSPORT TENGER SERVIS** | 25 | 25 | 17 | Экспертная | | |
| **KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ** | 25 | 25 | 21 | Экспертная | | |

Критерий №3 Танлов объектига ўхшаш объеклардан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов объектига ўхшаш объеклардан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО EKSPORT TENGER SERVIS** | 25 | 25 | 15 | Экспертная | | |
| **KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ** | 25 | 20 | 23 | Экспертная | | |

Критерий №4 Объектнинг мураккаблик даражасига қараб, "лицензия" ва "гувоҳнома" тақдим этиш

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектнинг мураккаблик даражасига қараб, "лицензия" ва "гувоҳнома" тақдим этиш

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО EKSPORT TENGER SERVIS** | 25 | 25 | 18 | Экспертная | | |
| **KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ** | 25 | 25 | 22 | Экспертная | | |

Критерий №5 Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати

Тип: Текстовое значение

Описание: Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО EKSPORT TENGER SERVIS | 25 | 25 | 15 | Экспертная | | |
| KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ | 25 | 25 | 23 | Экспертная | | |

Критерий №6 Ишларни бажариш муддатини қисқартирилиш сифатида акс этмаслиги лозим

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни бажариш муддатини қисқартирилиш сифатида акс этмаслиги лозим

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО EKSPORT TENGER SERVIS | 25 | 25 | 16 | Экспертная | | |
| KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ | 25 | 25 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №7 Техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиниши бўйича талаб ва йўриқномалар

Тип: Текстовое значение

Описание: Техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиниши бўйича талаб ва йўриқномалар

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО EKSPORT TENGER SERVIS | 25 | 25 | 17 | Экспертная | | |
| KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ | 25 | 20 | 21 | Экспертная | | |

Критерий №8 Моддий-техника базаси ҳамда ташкилотнинг оргтехника ускуналар рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Моддий-техника базаси ҳамда ташкилотнинг оргтехника ускуналар рўйхати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО EKSPORT TENGER SERVIS | 25 | 25 | 18 | Экспертная | | |
| KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ | 25 | 25 | 22 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **ООО EKSPORT TENGER SERVIS** | 24 843 865.00 | 24 595 426.00 | 27.04.2022 23:24:43 | 20.00 |
| **KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ** | 24 843 865.00 | 24 719 645.00 | 28.04.2022 00:15:22 | 19.90 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО EKSPORT TENGER SERVIS** | 52.8 | 20 | 72.8 |
| **KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ** | 70.4 | 19.9 | 90.3 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 70819 от 30.04.2022 года на приобретение Турар жой биносини жорий тамирлаш ишлари определила победителем:

KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ
306371033

и резервный исполнитель: ООО EKSPORT TENGER SERVIS (305784864)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | JUMAYEV BOTIR SAIDOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABDULLAYEV ABDULAZIZ SHAVKAT O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | NIZAMOV FARXOD SANOYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SODIQOV SHAVKAT VALIYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ISMATOV OYBEK NE'MATOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «12» 5 2022-37-5-72-OB-сон Қизилтепа ш.

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган **Қизилтепа туман Ободонлаштириш бошқармаси** номидан устав асосида иш кўрувчи (устав, низом, ишончнома) **Б.С.Жумаев** бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган **"KRISTAL-ELEGANT-INVEST"МЧЖ** номидан Устав асосида иш кўрувчи **Ж.Саъдуллаев** иккинчи томондан **Қизилтепа туман "Ободонлаштириш" бошқармасига қарашли Тунги ёритиш чирокларига хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш** бўйича қуйидаги шартномани туздилар.

## I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган курилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тугрисидаги далолатномалар хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдикланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**Курилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вактинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар кандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аникլигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг хар бир боскичи ва/ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига **Қизилтепа туман "Ободонлаштириш" бошқармасига қарашли Тунги ёритиш чироқларига хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш** лойихасида кўзда тутилган холда куриш бўйича курилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аникланган ва тендер комиссиясининг карори (2022 йил "30"апрелдаги баённома) билан тасдикланган ишлар киймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда жорий нархларда **24 800 000 ( Йигирма турт миллион саккиз юз минг) сўмни** ташкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

курилиш кийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;

ишлар хажми ва тури катъий равишда ўзгартирилмайди( конунда кузда тутилган холлар бундан мустасно);

объектнинг курилиши бир йилдан ортикча ўзгартирилганда.

5.Курилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада хамда унга __- иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

__- иловага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини мухофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироглари ўрнатиш;

курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;

курилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши іамда объектнинг фойдаланишга тайёр іолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага _1_- иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чикиш ва карор кабул килиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига ___-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини такдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома: миллий валюта "сўмда" ўзаро хисоб-китоб килинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган холда миллий валютада "сўмда" ўзаро хисоб-китоб килинганда - шартнома конун ҳужжатларига мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан _30___ кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 фоизи микдорида аванс ўтказади, бу **7 440 000** сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов " Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукукини ўзида саклаб колади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йўк килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган таєдирда, Пудратчи бу хакда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хак тўлашдан озод килинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиєлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

21. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўгрисидаги хужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўгри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўкларининг мувофиклиги тўгри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координаталар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саєлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига караб уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Даварxитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиксиз бажарилган бўлса ёки у бу хакда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган іоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боглик тўхтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тўгрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини муіокама киладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб килишга хаклидир.

## X. КАФОЛАТЛАР

34. Пудратчи:барча ишлар тўлик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиклигини;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

35. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган такдирда, уларни текшириб чиқиш "Даварxитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ

36. Буюртмачи: шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

37. Пудратчи: ишларнинг бажарилиши Пудратчига боглик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тўхтатиб кўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

38. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган таєдирда айбдор томон: иккинчи томонга етказилган зарарларни коплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз ваєтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг _0,1__фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг _50__фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

44. Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиєлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиєлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг _0,1__фоизи микдорида жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг _0,1__фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг _50__фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг _0,1__ фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг _50_ фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни єоплашдан озод килмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса, у холда Буюртмачи "Даврахитектқурилишназорат" инспекциясининг хулосаси асосида объектни кабул килиш ва унинг учун хак тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг _0,1__фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўкотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

## XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чикилади.

## XIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва огзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

51. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хакикий хисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тўлашни кечиктиришга хаклидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

57. Шартнома имзоланиб, Газначиликдан руйхатдан утгандан сунг конуний кучга киради ва амал килиш муддати **"31"декабр 2022 йилгача** хисобланади.

## XVI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

58.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги "Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофик: - хар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга ("Иштирокчи Томонлар") моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган холда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай киймат кўринишида) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк хуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур.

## XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

**ПУДРАТЧИ**

**"KRISTAL-ELEGANT-INVEST"МЧЖ**

Юридик манзилгох Қизилтепа туман
Ўзбекистон МФЙ
ТЕЛ +99891 337 00 46
ФАКС: +99891 337 00 46
Х\р 20208000505069885001

Банк номи Миллий банк Навоий филлиали
Банк коди(МФО) 00196
ИНН 306371033
ХХТУТ ______________________
КТУТ______________________

Рахбар ______________ **Ж.Саъдуллаев**
(Ф.И.О.)

**БУЮРТМАЧИ**

**Қизилтепа туман Ободонлаштириш бошқармаси**

Юридик манзилгох Қизилтепа туман
Шодлик кўчаси 45 уй
ТЕЛ: +99879 555 36 78
ФАКС: +99879 555 36 78
ШХ/Р 100022860122167064200110001

Ташкилот СТИР 204584484
ХХТУТ 90210
КТУТ______________
Ғазначилик булими: Кизилтепа тумани буйича Газначилик булинмаси
Ғазначилик х/р: 23402000300100001010
Банк номи Тошкент ш. Марказий банк ХККМ
Банк коди(МФО) 00014
Ғазначилик СТИРи: 201122919
Рахбар______________ Б.С.Жумаев
(Ф.И.О.)

# ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

1. Лойиҳанинг тури
   **Шартнома**

2. Лойиҳанинг номи
   **Қизилтепа туман ободонлаштириш бошқармаси ҳамда "KRISTAL-ELEGANT-INVEST" МЧЖ ўртасида тузилган пудрат шартномаси**

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот
   **Қизилтепа туман ободонлаштириш бошқармаси. 10.05.2022 й.**

4. Масъул ижрочи

Қизилтепа туман юридик хизмат кўрсатиш марказига 2022 йилнинг 10 май куни «**E-Huquqshunos**» электрон тизими орқали Қизилтепа туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан тузилаётган пудрат шартномаси лойиҳаси экспертизадан ўтказиш ва хулоса беришлик учун келиб тушган. Шартномани ўрганиш давомида қуйидагилар аниқланди:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўра, пудратчи ва буюртмачи ўртасида пудрат шартномаси тузиш ва унинг тартиби келтирилган. **Фуқаролик кодексининг 631-моддаси**да пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг 32-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижаларига кўра:

OV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: XD5767714885

**ХУЛОСА ҚИЛАМАН:**

Қизилтепа туман ободонлаштириш бошқармаси ва **“KRISTAL-ELEGANT-INVEST” МЧЖ** ўртасида тузилган пудрат шартномаси лойиҳаси **Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 37-боби, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни** ҳамда **“Давлат харидлари тўғрисида”**ги Қонуни талабларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилганлиги сабабли амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ деб топилсин.

**Бош юрисконсульт** **Ж. Жабборов**
12.05.2022

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**12.05.2022 даги**

**KRISTAL-ELEGANT-INVEST МЧЖ ва Қизилтепа Ободонлаштириш бошқармаси ўртасида 24800000,00 сўм умумий суммага тузилган 2022-37-5-72-ОВ - сонли шартномага**

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ***

Боб 110

Шахсий ғазна ҳисобварақ 100022860122167064200110001

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4299990 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | 24 800 000,00 | | | 24 800 000,00 |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **24 800 000,00** | | | **24 800 000,00** |

Жами 24800000,00 сўм Йигирма тўрт миллион саккиз юз минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 7440000,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан ______ % ***20___ ______________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ____________ (имзо) Жумаев Ботир Саидович Ф.И.Ш.

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери ____________ (имзо) Бозоров Ҳусниддин Ҳакимович Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ____________ (имзо)

«___» ________________ 20___й.

Буюртмачи ходими қабул қилди ____________ (имзо)

«___» ________________ 20___й.

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 70793 на приобретение Кизилтепа туман Ободонлаштириш бошкармаси Нур булими

Способ проведения электронный

Дата 30.04.2022

Время рассмотрения 30.04.2022 14:09

Конкурсная комиссия Кизилтепа туман Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш булими, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | JUMAYEV BOTIR SAIDOVICH | Бошлик | Қизтепа туман Ободонлтириш бошкармаси |
| **Секретарь комиссии** | BOZOROV XUSNIDDIN XAKIMOVICH | Бош хисобчи | Қизилтепа туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | NIZAMOV FARXOD SANOYEVICH | Теника хафсизлиги мухандиси | Қизилтепа туман Оболдонлаштириш боошкармаси |
| **Член комиссии** | SODIQOV SHAVKAT VALIYEVICH | Кадирлар булими бошлиги | Қизилтепа туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | ABDULLAYEV ABDULAZIZ SHAVKAT O'G'LI | Котиб | Қизилтепа туман Ободонлаштириш бошкармаси |
| **Член комиссии** | ISMATOV OYBEK NE'MATOVICH | Бош мухандис | Қизилтепа туман Ободонлаштириш бошкармаси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 30.04.2022 года № лота 70793.
Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Работы электромонтажные по монтажу электрического оборудования** |
| Подробное описание | Код 4299990 Работы электромонтажные по монтажу электрического оборудования |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 25 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 25 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиниши бўйича талаб ва йўриқномалар

Тип: Текстовое значение

Описание: Техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиниши бўйича талаб ва йўриқномалар

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ** | 25 | барча маълумотлар тақдим этилди | 14 | Экспертная | | |
| **OOO EKSPORT TENGER SERVIS** | 25 | барча маълумотлар киритилди | 22 | Экспертная | | |

Критерий №2 Объектнинг мураккаблик даражасига қараб, "лицензия" ва "гувоҳнома" тақдим этиш

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектнинг мураккаблик даражасига қараб, "лицензия" ва "гувоҳнома" тақдим этиш

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ** | 25 | барча маълумотлар тақдим этилди | 15 | Экспертная | | |
| **OOO EKSPORT TENGER SERVIS** | 25 | барча маълумотлар киритилди | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 Бахтсиз ходисалар бўлган вазиятларда ишчи ходимларнинг ҳаёти суғурталанганлиги тўғрисида Буюртмачи тавсифига кўра

Тип: Текстовое значение

Описание: Бахтсиз ходисалар бўлган вазиятларда ишчи ходимларнинг ҳаёти суғурталанганлиги тўғрисида Буюртмачи тавсифига кўра

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ** | 25 | барча маълумотлар тақдим этилди | 16 | Экспертная | | |
| **OOO EKSPORT TENGER SERVIS** | 25 | барча маълумотлар киритилди | 21 | Экспертная | | |

Критерий №4 Моддий-техника базаси ҳамда ташкилотнинг оргтехника ускуналар рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Моддий-техника базаси ҳамда ташкилотнинг оргтехника ускуналар рўйхати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **KRISTAL-** | 25 | барча | 15 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ELEGANT-INVEST MCHJ** | | маълумотлар тақдим этилди | | | | |
| **OOO EKSPORT TENGER SERVIS** | 25 | барча маълумотлар киритилди | 23 | Экспертная | | |

Критерий №5 Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати

Тип: Текстовое значение

Описание: Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ** | 25 | барча маълумотлар тақдим этилди | 16 | Экспертная | | |
| **OOO EKSPORT TENGER SERVIS** | 25 | барча маълумотлар киритилди | 23 | Экспертная | | |

Критерий №6 Танлов объектига ўхшаш объеклардан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов объектига ўхшаш объеклардан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ** | 25 | барча маълумотлар тақдим этилди | 17 | Экспертная | | |
| **OOO EKSPORT TENGER SERVIS** | 25 | барча маълумотлар киритилди | 21 | Экспертная | | |

Критерий №7 684-қонун 13-моддага риоя этилиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: 684-қонун 13-моддага риоя этилиши шарт

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ** | 25 | барча маълумотлар тақдим этилди | 15 | Экспертная | | |
| **OOO EKSPORT TENGER SERVIS** | 25 | барча маълумотлар киритилди | 22 | Экспертная | | |

Критерий №8 Ишларни бажариш муддатини қисқартирилиш сифатида акс этмаслиги лозим

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни бажариш муддатини қисқартирилиш сифатида акс этмаслиги лозим

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ** | 25 | барча маълумотлар тақдим этилди | 13 | Экспертная | | |
| **ООО EKSPORT TENGER SERVIS** | 25 | барча маълумотлар киритилди | 23 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **ООО EKSPORT TENGER SERVIS** | 25 000 000.00 | 24 900 000.00 | 27.04.2022 23:16:51 | 99.60 |
| **KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ** | 25 000 000.00 | 24 800 000.00 | 27.04.2022 22:14:27 | 100.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО EKSPORT TENGER SERVIS** | Прошел | 99.6 | 99.6 |
| **KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ** | Прошел | 100 | 100 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 70793 от 30.04.2022 года на приобретение Кизилтепа туман Ободонлаштириш бошкармаси Нур булими определила победителем:

KRISTAL-ELEGANT-INVEST MCHJ
306371033

и резервный исполнитель: ООО EKSPORT TENGER SERVIS (305784864)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | JUMAYEV BOTIR SAIDOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABDULLAYEV ABDULAZIZ SHAVKAT O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | NIZAMOV FARXOD SANOYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SODIQOV SHAVKAT VALIYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ISMATOV OYBEK NE'MATOVICH | Согласен | |